

## “SWOT” таҳлили

“SWOT” таҳлили бу янги ғоялар ва ташаббуслар бўйича стратегик режалаштириш ва қарор қабул қилишда ёрдам берадиган усул ҳисобланади.

“SWOT” сўзи қуйидаги инглизча сўзларнинг қисқартмасидан олинган:

- ➔ S – Strengths (Кучли томонлар);
- ➔ W – Weaknesses (Заиф томонлар);
- ➔ O – Opportunities (Имкониятлар) ва
- ➔ T – Threats (Хавфлар).

Сиз ўз лойиҳангиз ғоясини аниқлаганингиздан кейин, уни таҳлил қилишингиз керак. Яъни кучли ва заиф томонларини, имконият ва хавфларини аниқлашингиз лозим. Бу бир қарорга келишингиз ва режалаштиришингизни осонлаштиради.



Масалан, лойиҳангизнинг камчиликлари, афзалликлари ёки лойиҳа олдида қандай хавфлар бўлиши мумкинлигини олдиндан аниқлашда “SWOT” таҳлили сизга ёрдам беради. Шу билан бирга, таҳлил орқали аниқланган муаммоларга олдиндан таъсир қилишингиз мумкин бўлади.

“SWOT” таҳлилини осон тушуниш учун уни 4 катакли жадвалда намойиш этамиз. Тепадаги икки катакда кучли томонлар ва заиф томонлар ифодаланган ва улар ташқи омиллар деб аталади. Пастдаги икки катакка имкониятлар ва хавфлар қўйилган ва улар ички омиллар деб аталади.



### “SWOT” таҳлили қуйидаги саволларга жавоб топишда қўл келади:

- ➔ Ушбу лойиҳани амалга оширишда ўзингиз ёки ташкилотингизнинг кучли томонлари ёки фарқли афзалликлари нимада?
- ➔ Ўзингиз ёки ташкилотингизнинг заиф ва нозик томонлари нимада? Аниқланган камчиликлар орасида қайси бирини биринчи ўринда бартараф этишга ҳаракат қилишингиз керак?
- ➔ Лойиҳанинг самарали амалга ошиши учун қандай имкониятлар мавжуд?
- ➔ Лойиҳани амалга оширишда қандай тўсиқлар ва хавф-хатарлар бўлиши мумкин? Уларнинг олдини олиш учун нима қилиш керак?

### Қуйида бир мисол орқали биз “SWOT” таҳлилини ўтказамиз.

*Аъзамжон Данғарада соғломлаштириш марказини очмоқчи. Унинг фикрича, соғломлаштириш маркази барча шаҳардаги бекорчи ёшларга спорт билан шуғулланиш, соғлом турмуш тарзини ўрганиш ва ўз соғлиқларини тиклашга ёрдам беради. Шу билан бирга, соғломлаштириш маркази янги иш ўринлари яратади ва турли спорт, уқалаш (массаж) каби курсларни тақдим этади.*

### **Кучли томонлар (Strengths):**

#### Йўналтирувчи саволлар:

*Лойиҳани амалга оширишда бошқалардан қандай афзалликларингиз бор? Етарли тажрибага эгамисиз? Қайси қобилиятларингиз лойиҳага ижобий таъсир кўрсатиши мумкин? Сизга ёрдам берадиганлар кимлар? Қанча маблағ топа оласиз? Рақобатчилардан қандай устунликларингиз бор? Нималар борасида муваффақиятга эришишингиз мумкин?*



- ➔ Бир неча йил олдин Қўқон шаҳридаги шу каби спорт марказида оддий каратэ мураббийсидан раҳбаргача кўтарилганман. Шу соҳани ва уни бошқаришда нималар кераклигини жуда яхши биламан.
- ➔ Мен ҳозирги кунда бошқариб келаётган нодавлат ташкилотим шаҳарда жуда таниқли, ташкилотим орқали реклама қилиш ва янги марказ тўғрисида маълумот тарқатишим осон бўлади.
- ➔ Ҳокимият бизга шаҳардаги қаровсиз бўлган ва тошлоқ ҳолатдаги жойни 10 йил муддатга бепул ижарага бермоқчи. Жойи яхши ва у ерга шаҳар транспорти боради. Бу ерда ижара тўламасдан 10 йил ичида фойда қилсак бўлади.
- ➔ Мен бир неча йилдан бери раҳбар бўлиб ишлаб келмоқдаман ва кучли раҳбарлик қобилиятига эгаман. Шунинг учун ишни осонгина ташкил қила оламан.

### Заиф томонлар (Weaknesses) :

#### Йўналтирувчи саволлар:

Қандай камчиликлар мавжуд? Қандай тўсиқлар бор? Етарли маблағни топа оласизми? Бошқа қандай қийинчиликлар бор? Рақибларингизнинг сиздан қандай устунликлари бор?



- Марказга ажратилган жойни ремонт қилиш керак, у кўп маблағ ва вақт талаб қилади.
- Данғарадаги ёшларда қандай спортга қизиқиш борлиги тўғрисида бизда маълумот йўқ.
- Баъзи мутахассислар етишмайди.

### Имкониятлар (Opportunities):

#### Йўналтирувчи саволлар:

Қандай имкониятлар мавжуд? Лойиҳангиз бугунги кунда қанчалик керакли ва муҳим? Лойиҳа кимларга ёқиши мумкин ва кимдан қўшимча кўмак олишингиз мумкин? Қандай имтиёзлар мавжуд? Лойиҳани амалга ошириш натижасида сиз учун қандай янги имкониятлар яратилиши мумкин?



- Бу каби соғломлаштириш маркази Данғарада мавжуд эмас, шунинг учун рақобат ҳам бўлмайди.
- Ҳозирги кунда шу каби ташаббусларни кўплаб грант жамғармалари қўллаб-қувватламоқда ва лойиҳага маблағ топиш осон бўлади.
- Ремонт учун имтиёзли кредит олиш имконияти бор.
- Тошкентдаги катта спорт марказлари ўзларининг ишлатилган спорт анжомларини хайрия сифатида беришлари мумкин.
- Жуда кўп ёшлар бугунги кунда бекор юрибди. Агар спорт билан шуғулланишса ёки янги ҳунар ўрганишса, жамият равнақи учун катта ҳисса бўлади.

### Хавфлар (Threats):

#### Йўналтирувчи саволлар:

Қандай хавфлар мавжуд? Лойиҳани амалга оширишда нималар тўсқинлик қилиши мумкин? Қонуний тўсқинликлар борми? Рақобатчиларингиздан қандай хавф бор?



- ➡ Иш юритишга лицензия олиш қийин бўлиши мумкин.
- ➡ Ёшларни қизиқтира олмаслигимиз мумкин.
- ➡ Харажатларни тўла қоплагунча анча вақт керак бўлади. Бу пайт ичида ойликларни ошира олмаймиз. Натижада ишчиларнинг иштиёқи камаяди ва бу, ўз навбатида, хизматларимизнинг сифатига таъсир қилиши мумкин.
- ➡ Рақобатчилар шу каби марказ очишлари мумкин ва бунинг натижасида бизнинг мижозларимиз камаяди.

Саволларга жавоб ёзишда жавобларингизнинг субъектив бўлишини эсдан чиқарманг. Шунинг учун бу машққа бошқаларни ҳам жалб қилинг. Уларнинг фикрлари сизникидан бошқача бўлиши мумкин ва улар сизнинг эътиборингиздан қочган томонларни кўрсатиши мумкин. Камчилик ва заифликлар ҳақида ёзганингизда фақат ростини ёзинг. Бу сизга тўғри қарор қабул қилишда ва келажақдаги йўқотишларнинг олдини олишда ёрдам беради.

Жавобларингизни мос катакларга жойлаштириб, таҳлил қилишни бошланг. Ишни жавобларингизга баҳо беришдан бошлашингиз мумкин. Яъни, уларга, муҳимлигига қараб, 1 дан 3 гача баҳо беринг (3 – муҳимлиги энг кам).

<b>Кучли томонлар</b>		<b>Заиф томонлар</b>	
➡ Ўзимнинг кучли қобилиятларим	1	➡ Ремонт қилиш керак	1
➡ Тажрибам	1	➡ Ёшларнинг қизиқиши бўйича маълумот йўқ	3
➡ Танишларим	2	➡ Мутахассислар йўқ	2
➡ Ташкилотимнинг машҳурлиги	1		
<b>Ички омиллар</b>			
<b>Имкониятлар</b>		<b>Хавфлар</b>	
➡ Хеч ким қилгани йўқ бу ишни	1	➡ Лицензия олиш қийин бўлиши мумкин	1
➡ Жамғармалар грант бермоқда	1	➡ Ёшларни жалб қила олмаслигимиз мумкин	2
➡ Имтиёзлар	2	➡ Рақобатчилар шу каби марказ очишлари мумкин	3
➡ Ёшларга имконият	1		
<b>Ташқи омиллар</b>			

Таҳлил натижасида кучли томонлар ва имкониятлар кучлироқми ёки камчиликлар ва тўсиқларми, шуни аниқлайсиз. Шундан сўнг имкониятлардан тўла фойдаланиш ва хавфларни камайтириш бўйича стратегия тузишингиз мумкин.

### Стратегия учун мисоллар:

- ➔ **S-O (Кучли томонлар ва Имкониятлар стратегияси)** – Бу стратегия кучли томонларни доим эсда тутиб, улардан лойиҳа муваффақияти йўлида фойдаланишни ўргатади. Имкониятларни излаб, улардан тўла фойдаланиш лозим. Масалан, жамғармаларнинг грант танловларига лойиҳа ҳужжатларини топшириш ёки Тошкентдаги катта спорт мажмуаларига мурожаат қилиб, уларга лойиҳа тўғрисида сўзлаб бериш ва улардан керак бўлмаган спорт анжомларини ҳада қилишларини сўраш мумкин.
- ➔ **W-O (Заифликлар ва Имкониятлар стратегияси)** – Бу стратегия имкониятлардан камчиликларни тўлдириш йўлида фойдаланишга хизмат қилади. Масалан, юқоридаги мисолимизда бепул ижарага берилган жойни ремонт қилиш кераклиги камчилик сифатида келтирилган. Буни қандай қилиб имкониятга айлантириш мумкин? Бу лойиҳа жамиятга фойда келтирадиган ва ёшларнинг самарали вақт ўтказишларини таъминлаш учун яратилаётгани боис банклар осонлик билан имтиёзли кредит бериши мумкин. Шаҳар ҳокимияти бунинг учун тасдиқловчи хат ёзиб бериши мумкин.
- ➔ **S-T (Кучли томонлар ва Хавфлар стратегияси)** – Ушбу стратегия кучли томонларни қўллаш орқали ташқи хавфларнинг олдини олишга қаратилади. Масалан, ёшларни жалб этишда, ташкилотингиз таниқли бўлгани учун, ташкилот орқали реклама қилиш ёки маълумот тарқатиш самарали бўлади. Ёшларни қизиқтириш, лойиҳага жалб этиш, уларнинг спорт билан боғлиқ қизиқишлари қандайлигини билиш учун сўровномалар тарқатиш, учрашувлар ва муҳокамалар ўтказиш лозим.
- ➔ **W-T (Заифликлар ва Хавфларга нисбатан ҳимоя стратегияси)** – Бу стратегия камчиликлар ва хавфларнинг рўй бериш даражасини орттирмасликка хизмат қилади. Масалан, ишчиларнинг иштиёқи камаймаслиги учун улар билан узоқроқ муддатга шартнома тузиш ёки уларга кўпроқ имтиёз бериш мумкин. Ишчиларни бошқарув жараёнига жалб қилиш, уларнинг фикр ва мулоҳазаларини инobatга олиш ҳам ишчиларни руҳан қўллаб-қувватлайди.